

## Use of information exchange system of education and education at modern demand level.

Ergasheva N.K.,FSU

**ABSTRACT:** The continuous education system specified in the “National Personnel Training Program” is the main part of our national model, which is related to the work of radically changing the education system our republic, imbuing it with the national spirit, and creating new modern teaching technologies while preserving effective traditional methods- consists of ensuring economic and cultural development, training highly qualified competitive personnel.

Республикамиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали, анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янги замонавий ўқитиш технологияларини яратиш ишлари билан боғлиқ, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилган узлуксиз таълим тизими миллий моделimizнинг асосий бир қисми бўлиб, унинг мақсади републикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашдан, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди. Замонавий талаб даражасидаги таълим тарбияга оид тарқатмалар, тестлар, компьютер, интернетлардан, яъни бутун дунёга ўрнатилган ахборот алмашуви тизимидан фойдаланиш билим олишда яхши натижа беради. Давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда чет эл тажрибаларини ўрганиб гуруҳий дарс ўтиш усули ҳақида фикр юритмоқчимиз. Янги педагогик технология дарслари анъанавий дарслардан фарқи шуки, бу дарсларда ўқувчига ёрқинлик муҳитини яратиш, унга ўз фикрини эркин баён этишга имкон беради.

Ўқувчиларни биргаликда ишлатиш учун интерфаол усулларидан фойдаланамиз. Бу инглиз тили ўргатишда ўз самарасини беради. Дарс ўқувчиларни икки ёки уч гуруҳга бўлишдан иборатдир. Дарс давомида ўқувчиларда ўз фикрларни

айтиш, савол бериш ва дарс мавзуси бўлган мавзудаги мунозараларда иштирок этишга қизиқиш уйғотади. Гуруҳларда ишлаш усулида ўқувчилар топшириқ устида жиддий ишлайдилар, ўқувчилар ўз ўртоқлари билан биргаликда қатнашадилар, фикр- мулоҳазаларни муҳокама қиладилар, бир-бирларига ёрдам беришни ўрганадилар.

Гуруҳларда ишлаш усули инглиз тили ўргатишда ва оғзаки нутқни ўстиришда самарали усулдир. Гуруҳлар иш усулида бажариладиган машқларга қуйидаги талаблар қўйилади.

- Топшириқни бутун гуруҳ аъзолари биргаликда бажариши мумкин;

- Тил материали ўқувчиларнинг билим савиясига асосланган ва улар охидаги юксалишни ривожлантириш учун қаратилган бўлиши зарур.

- Берилган топшириқни бажаришда гуруҳлар қўшимча маълумот билан тўлдириб бориши мумкинлиги.

Ўйиннинг номи: «Таваккал»

Мақсад: Тегишли мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимини янада ошириш.

Вақти: 30-40 дақиқа.

Ишлатадиган материаллар: бир варақ қоғоз. Уни 5 та катакка ажратилади. (менинг оилам, менинг мактабим, менинг шахрим, хайвонлар, касблар). Доскага 5 хил мавзу ёзилади.

Гуруҳли иш жараёни:

5-6 ўқувчидан ташкил топган 2 гуруҳ ташкил қилинади. Ўқувчи 5 хил мавзу ичидан бирини танлайди. Ҳар бир мавзуда 5 тадан жавоб бор. Ўқувчи жавоб танлайди ва жавобга савол беради. Агар савол тўғри бўлса, уларнинг гуруҳи рағбат олади. Масалан жавоб: «Бизнинг оила 4 кишидан иборат» - «There are four people in our family». Ўқувчи савол тузиши керак: «Оилангиз неча кишидан иборат?» - «How many people are there in your family?»

Тажиба шуни кўрсатадики, гуруҳий иш усули ўқувчиларни ижодий изланишга бир-бирлари билан эркин фикр алмашишга ўргатади. Биз таълим бераётган ҳуқуқий демократик жамиятда ўзгалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, шахс ва гуруҳ муносабатини тушунишни шаклантиришда ёрдам беради.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. [www.yandex.ru](http://www.yandex.ru)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. Ахмедов, Б. А., Шайхисламов, Н., Мадалимов, Т., Махмудов, Қ. (2021).  
Smart технологияси ва ундан таълимда тизимида кластерли  
фойдаланиш имкониятлари. SCIENTIFIC PROGRESS, 1(3), 102-112.